



PEDAGOGIK MAHORAT

6
2020



ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

6-son (2020-yil, dekabr)

Jurnal 2001-yildan chiqsa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGICAL SKILLS**The scientific-theoretical andmethodical journal****# 6, 2020**

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house:Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:**DSc, Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences, Prof. Obidjan X. Xamidov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova

Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R.Baratov

Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov

Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I.Sunnatova

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)

Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev

Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva

Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,

Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev

Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov

Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev

Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev

Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S.Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof.Ulugbek. S. Jumaev

ўзига ишончлилик сифатларига мутаносиблик ёки номутаносиблик кўрсаткичларининг намоён этилиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Жумладан, қайд этилган мутаносиблик кўрсаткичларининг ортиб бориши, шахсидаги психологик ҳимоя имкониятларининг тобора кенгайиб боришига олиб келиши мумкинлиги ўз тасдигини топди.

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси, энг аввало, инсон шахси ва унинг манбаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса, ҳар бир шахснинг ижтимоий-психологик тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Республикада қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда, мамлакатимизда ҳозирги замон илгор психологияси ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш заруриятини ҳисобга олиб, шахслардаги психологик ҳимоя жараёни билан боғлиқ ҳолатларни тўғри тушуниш, тадқиқ қилиш ва унинг бугунги ёшларимизни тарбиялаш ишидаги улушини оширишга қаратилган қўйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

1. Бугун республикамизда фаолият юритаётган **фавқулотда вазият ходимлари, ёнғин хавфсизлиги ходимлари ва экстремал ҳолатларга тушиб қолган шахслар** билан ҳамкорликда шахслар учун зарур бўлган ишлар дастурини тузишлари ва шу дастурга мос психологик ҳимоя жараёнини ўрганишга қаратилган тадбирларни белгилашлари зарур.

2. Республикаизда фаолият олиб бораётган психологларга психологик хизмат талабларини ўрганиши, таҳлил қилиш ва тадқиқ қилишнинг маҳсулни ўлароқ, психологик хизматнинг иш мазмунини ташкил этувчи “Низом”га қўшимча равишда амалиётчи-психологлар бажариши лозим бўлган қўйидаги вазифалар тавсия этилмоқда:

- фаолият ва индивидуал имкониятлар ўртасидаги адекватликнинг қай даражада таркиб топтирилаётганлигини аниқлаш; ҳар бир шахсдаги меҳнат фаолиятини муваффақиятли бажариш билан боғлиқ индивидуал услубни аниқлаш; меҳнат фаолияти жараёнида ҳар бир шахснинг ўзини-ўзи муваффақиятли идора қилишнинг таъминланиши билан боғлиқ меъёрий ҳиссий фаоллик кўрсаткичларини аниқлаш имкониятлари яратилмоқда;

- ота-оналар, тезкор хизмат ходимлари, ўртасида психологик ҳимоя имкониятлари ва истиқболлари хусусида маҳсус тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади;

- ҳар бир шахс учун характерли бўлган фаолиятдан қоникишга нисбатан психологик ҳимоя иерархиясининг қарор топтирилишига хизмат қилувчи, ривожлантирувчи коррексион ишлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш керак бўлади;

- ҳар бир шахснинг психологик ҳимоя имкониятларидан келиб чиқиб, меҳнат фаолияти талабларини бажариш билан боғлиқ муваффақиятларга эришиш, айни пайтда, турли хил муваффақиятсизликларга учрамаслик учун тегишли якка ҳолдаги маслаҳатлар берib бориш билан бирга, мазкур шахснинг фаолиятга нисбатан муваффақиятли индивидуал услубни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароит яратилишини таъминловчи тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлаймизки, мазкур вазифаларнинг мунтазам равишда амалга оширилиши психологик ҳимоя самарадорлигини таъминлашда, айни пайтда, шахсдаги психологик ҳимоя омилларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ экстремал вазиятларда психологик хизмат самарадорлигини тақозо этади.

Демак, экстремал вазиятларда шахсни ўрганиш ва унга психологик таъсир қилиш механизмларидан хабардор бўлиш ҳар бир амалиётчи психологдан жуда катта маҳорат талаб этади.

Адабиётлар

1. Абрамова Г.С.Практическая психология. -М., 2015.
2. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. - Worth Publishers, 2010. - 910 р.
3. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслар. – Т.: “Наврӯз”, 2018. – 344 б.
4. Авезов О.Р. ва бошқ. Шахс психологияси. -Б: “Дурдона”, 2019.
5. Кокс Т. Стресс. Пер. с англ. -М.: “Медицина”, 1981.
6. Селье Г. Очерки об адаптационном синдроме. Пер. с англ. -М.: “Медицина”, 1960.

Халим ҲАСАНОВБухоро давлат университети
музиқа кафедраси ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАРДА МУЗИҚИЙ ТАСАВВУРЛАР ШАКЛЛАНИШИНинг ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Уибу мақолада шахсда музиқий тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ривожланиши ва миллий музиқий тасаввурлар сифатида қайта шаклланшида қизиқиши ва мотивациян омилларнинг моҳияти ёритилган.

Калит сўзлар: музиқа фольклори, эмоционал-психологик кечинма, перцепция, феномен, субъектив қарашлар.

В этой статье описывается содержание мотивации и мотивации в восприятии, изменении, развитии и трансформации музыкального воображения человека как национального музыкального эскиза

Ключевые слова: музыкальный фольклор, эмоционально-психологический опыт, восприятие, феномен, субъективные взгляды.

This article describes the content of motivation and motivation in the person's perception, change, development, and transformation of musical imaginations as a national musical sketch.

Key words: music folklore, emotional-psychological experience, perceptions, phenomenon, subjective views.

Музиқий тасаввурларни шакллантириш жараёни педагогика ва психология фанининг муҳим вазифаларидан биридир. “Тасаввур воқелик предметлари ва ҳодисаларнииг ҳиссий - яққол, умумлашган образи бўлиб, бу предмет ва ҳодисаларнииг сезги органларига бевосита таъсирисиз ҳам онгда сақланиб қолади ва тақрор ҳосил бўлади, тасаввур онгнинг зарур элементидир. Чунки, у тушунчаларнинг маъно ва мазмунини доимо нарсаларнинг образи билан боғлайди ва айни вақтда онгга предметларнинг ҳиссий образлари билан эркин равиша иш кўриш имкониятини беради” [2] - дейилади.

Музиқий тасаввур тушунчаси орқали шахсда ҳалқ мусиқаси ҳақида олдинги тажриба асосида шаклланадиган кўргазмали образлар тушунилади. Музиқий мазмун оҳанглар образлари билан ифодаланади ва уни англаш, кечинмалар тарзида идрок этиш орқали ушбу мусиқа ҳақида маълум тасаввурлар шаклланади. Музиқий тасаввурлар тизими ўқувчи шахсининг ҳалқ мусиқаси ҳақидаги умумий тушунчалари, мумтоз мусиқа, ҳалқ мусиқасининг оммавий жанрлари (музиқа фольклори), миллий чолғу созлари, ҳалқ чолғу куйи, кўшиқларининг ривожланиш конуниятлари ва асарларининг шакл тузилиши, миллий музиқий безаклар ва миллий зарб усуслар ҳақидаги тасаввурлардан ташкил топади. Ушбу тизимнинг ҳар бир соҳаси (психологик, ижтимоий-психологик, музиқий-психологик, ижтимоий, эстетик, бадиий, тарбиявий, йўналтирувчи ва х.к.) ўзаро узвий боғлиқдир.

Музиқий тасаввурлар ҳажми шахснинг мусиқага нисбатан муносабатини белгилайди, яъни, тасаввурлар мавжуд тушунчалар характеристида намоён бўлади. Ҳалқ мусиқасидаги ўзига хос миллий ва тарбиявий хусусиятларнинг эмоционал-психологик кечинма сифатида индивид, гуруҳ ёки яхлит ҳолда олинган миллат онгига акс этадиган кўргазмали образлари мажмуасини музиқий тасаввурлар сифатида таърифлаш мумкин. Ҳалқ мусиқа асарларининг ўзига хос хусусиятлари: миллий усул - ритмлар, миллий музиқий безаклар, миллий чолғу созларининг товуш ҳосил қилиш ва тембр хусусиятлари орқали миллий характер хислатларини ифодалashi, ижровий имкониятлари, асарлар шаклининг тузилиши, миллий куй ривожланиши қонуниятларининг шахс онгидаги инъекси, кўшиқлар матни орқали миллий, этник турмуш тарзи ва миллий қадриятларнинг ёркин тасвиrlанишида намоён бўлади. Шу билан бирга, бизнингча, музиқий тасаввурлар шаклланиши айрим ижтимоий-психологик омилларга, жумладан:

1) кичик мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг мусиқага нисбатан шаклланган муносабати меъёрига;

2) ҳалқ мусиқасига нисбатан қизиқишилар мавжудлиги;

3) ҳалқ мусиқаси тарғиботига;

4) ижтимоий муҳитда ҳалқ мусиқасига нисбатан мавжуд муносабат хусусиятларига;

5) маънавий тарбия мазмуни ва савиасига;

б) оиласининг ижтимоий нуфузи ва ҳалқ мусиқасига нисбатан муносабати меъёрига боғлиқлигидир.

Шубҳасиз, юкоридаги омиллар яхлит суратда турли ёш, индивидуал ва худудий хусусиятларга мансуб ўқувчиларнинг музиқий идроки сифатига таъсири этиб, айтиш жоизки, уларда музиқий тасаввурлар шаклланишида асосий рол ўйнайди.

Демак, мусиқий тасаввурлар шаклланиши ўқувчиларда, аввало, миллий қадриятларимиз намунаси сифатидаги халқ мусиқасининг бадиий, тарбиявий имкониятларини англаш ва миллий чолғу созларимизга нисбатан ижобий муносабат яратилиши жараёни бўлиб ҳисбланади.

Ижтимоий ривожланиш натижаси улароқ, миллий мусиқа маданиятида янги замонавий йўналишлар (театрлаштирилган қўшиқ, видеоклиплар, фонограмма билан кўйлаш), жанрлар (бир неча юз киши ижро этадиган оммавий байрам композициялари, рақслар, миллий балет) ва услублар (миллий эстрадада умумжаҳон амалиётидаги ҳамда миллий чолғу созларини омиҳта ҳолда кўйлаш, достонхонлик, шунингдек, Хоразмча, Бухоро ва Сурхондарё ижро услубларининг миллий эстрададаги ўзига хос талқини яратилиши ва бошқалар)нинг шаклланиши кузатилмоқда. Бу эса шахсда халқ мусиқа асарлари даги ижтимоий-бадиий мазмуни ҳамда замонавий (электрон) чолғуларнииг товуш имкониятлари борасида шаклланадиган тасаввурларнинг янги, ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини намоён этмоқда:

1. Ўқувчи муомалада бўладиган (tinglайдиган ва кўйлайдиган) мусиқа асарларининг жанр, услуг ва йўналишлари ўзгариши билан унинг мусиқий тасаввурларида ҳам ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

2. Янгича услуб талқинида, яъни умумжаҳон амалиётидаги чолғу созлари ва миллий чолғуларни омиҳта ҳолда қўйлаш орқали шаклланадиган тасаввурлар асарлар ижросидаги товушлар мажмуаси ва тембрининг тингловчилар турли гурухлари ва ҳар бир шахсда ўзига хос руҳий-ҳиссий таъсир қўлами орқали намоён бўлади.

3. Ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг янги мусиқий йўналиш, жанр ва услубларда ифодаланиши орқали шаклланадиган тасаввурлар ўзининг ижро чилари сони, товушлар диапазони, ўзига хос ижро мароми билан ифодаланадиган, соф миллий чолғулар жўрлигига ижро этиладиган асарлар орқали шаклланадиган тасаввурлардан фарқ қиласди.

4. Мусиқий тасаввурлар шахс мусиқий тажрибаси ва халқ мусиқасига нисбатан муносабатлари маҳсулидир.

5. Улар халқ мусиқасига нисбатан жамиятда мавжуд турли ижтимоий қарашлар, фикрлар, баҳоларнинг шахс онгидаги акс эттирилишини таъминлайди.

б. Ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ ва миллат онгидаги мусиқий тасаввурлар шаклланиши - уларда миллий ғурур, миллий онг ва миллий ўзликни англаш хусусиятларини қарор топтиришга кўмаклишиши мумкин.

Мусиқий тасаввурлар функциялари ҳакида сўз юритганда, аввало уларнинг билиш функциясини таъкидлаш лозим. Чунки индивид онгидаги турли даражада шаклланадиган ҳар қандай мусиқий тасаввур асар мазмунини билишга қаратилгандир. Иккинчи функцияси - таҳлил этиш бўлиб, идрок этилган халқ мусиқаси намуналари ҳаётий тажриба (апперцепция) орқали онгдаги маълум асарлар билан таққосланади ва унда ифодаланган бадиий воқеликка ижтимоий баҳо берилади. Баҳолаш субъектив қарашлар асосида амалга оширилса-да, унда ижтимоий муносабат меъёри акс этади. Учинчи функцияси эса йўналтириш бўлиб, асарда шахсий мазмунни англашга кўмаклашади ҳамда ижтимоий фаолиятда маълум рол ўйнайди. Мусиқий тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ривожланиши ва миллий мусиқий тасаввурлар сифатида қайта шаклланишида тақрорлаш усули ҳам муҳим рол ўйнайди. Бироқ, қайта-қайта идрок қилинаётган мусиқа асарлари тингловчи ёки тингловчилар гурухи учун ҳам эмоционал, ҳам интеллектуал аҳамиятга эга бўлиши керак. Масалан, бугунги кунда мусиқий тасаввурлар шаклланиши мотивлари сифатида ўзбек миллий эстрада мусиқаси турли ижтимоий қатламлардаги тингловчиларда кўпгина ҳолларда фақатгина ҳиссий аҳамиятга эга. Ушбу асарлар ҳакида кенг ва тўлақонли эмоционал тасаввурлар мавжудигини эса тақрорлаш натижаси сифатида баҳолаш мумкин, чунки миллий эстрада намуналари радио ва телевидение орқали кенг тарғиб этилади. Халқ мусиқасининг ўқувчи-ёшларда тинглаш фаолияти мотивлари сифатида намоён бўлиши ва уларда мусиқий тасаввурлар шаклланиши учун ушбу тақрорлаш, қайта-қайта идрок қилинаётган мусиқа асарлари тингловчиларни ўзбек миллий эстрада мусиқаси турли ижтимоий қатламлардаги тингловчиларда кўпгина ҳолларда фақатгина ҳиссий аҳамиятга эга. Шунингдек, мусиқий тасаввурлар шаклланишида ёш, индивидуал ва худудий хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёш хусусиятлари ўқувчиларнинг мусиқий билим ва тажрибаси билан боғлиқ бўлганлиги учун турли ёш гурухларида тасаввурлар шаклланиши меъёри фарқли хусусиятларга эга бўлади. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда эмоционаллик асосида, яъни асарнинг ҳиссий таъсирига берилиш, ҳиссий идрок этиш орқали унга баҳо бериш тарзида амалга оширилади.

Ўсмирлик ёшида эса мусиқий тасаввурлар шаклланиши асарнинг ички тузилиши, унинг мазмун-моҳиятига кириб бориш орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, мусиқий тасаввурлар шаклланиши босқичлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин: